



«ПАХТАҚАНАР» ХИРМОНИ

Фарғона область, Ўзбекистон райониди «Пахтақана» йил мавжуд 1410 гектар майдондаги «АН-60» навли пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Термичилар ўртиндаги ўзaro социалистик мусобақада Муътабархон Юсупова, Махбубахон Довулова, Санамжон Мелиева ва кўпмикилограммчилар пешқадамлик қилишмоқда. Улар мавсумда 15—20 тоннадан «оқ олтин» теришга сўз берганлар.

М. ДАВРОНОВ.

ИЛГОР ТЕРИМЧИЛАР

Ленин йўли райониди Бўдённий номи совхозини Панжи Худойкулов бошлик бригадаси «оқ олтин» иккункорлари жорий йилда 52 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Ҳосилдорлини 40 центнерга етказиш учун курашаётган пахтакорлар суръатини бир зум ҳам бўшаштирмаётдилар. Меҳнат беллашувида Гулнора Норбоева, Гулчехра Назарова, Назокат Худойкулова, Баҳор Назарова сингари кўпмикилограммчилар барчага ўрнак бўлишпти.

Н. НАЗАРОВ.

ЮКСАК СУРЪАТ

Чортоқ райониди Х. Олимжон номи совхозини Қўшан адирларида деҳқончилик қилаётган Носирхон Тургунов бошлик бригадаси пахтакорлари мавжуд 40 гектар ердан пайда 15 ўринга 20 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиш учун социалистик мусобақани қизғинлаштирилди. Бригадада ҳар кун йиллик планиниг 3-6 процентига тенг «оқ олтин» тайёрланмоқда. Бригада пахтакорлари йиллик планини ақин қунарда бажариш учун ҳаракат қилишапти.

А. ОРТИҚОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ

№ 226 (19.602).

1986 йил 5 октябрь якшанба

Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1986 йил 4 октябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмоновжаев «КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари» мавзусида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати директори П. С. Мақсудов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, СССР 50 йиллиги номи Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи Р. Н. Иванушкина, Қорақалпоғистон АССР Чимбой район партия комитетининг биринчи секретари У. Қунназаров, Ўзбекистон ССР

Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Дадажонов, Хоразм область ижroiа комитетининг раиси Р. Худойбергана, Фарғона область Кува райониди 2-ўрта мактаб директори Х. Усмонова, «Правда Востока» газетасининг редактори Г. Г. Неклесса, Навоий область Қизилтепа райониди «Еш ленинчи» колхозини партия комитетининг секретари С. Н. Наимова сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири Ю. А. Складов нутқ сўзлади.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг қарорларини бажариш юзасидан Марказий Комитетнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган перспектив иш плани тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишев ахборот берди.

Шу масалани муҳокама қилиш чоғида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Самарқанд область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. С. Васильев, Бухоро область Когон райониди «Когон» совхозининг тракторчиси У. Исмоилов сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларини кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди. В. К. Михайлов Марказий Комитет бюроси аъзоллигига кандидат вазифасидан озод қилинди.

Қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудири шат лавозими жорий этилиши муносабати билан айни бир вақтда бўлим мудири вазифасини ижро этувчи Марказий Комитет секретари В. Н. Лобко бўлим мудири вазифасидан озод қилинди.

З. А. Ботиров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг, В. Ю. Зорин савдо ва маиший хизмат бўлимининг, А. С. Воеков транспорт ва алоқа бўлимининг мудири этиб тасдиқландилар.

Ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганликларини тўкиб қўйганликларини учун Навоий шаҳар партия комитетининг собиқ биринчи секретари Н. В. Дуванов, Самарқанд район партия комитетининг собиқ биринчи секретари М. Шеркулов Марказий Комитет составидан чиқарилдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудири В. И. Бессарабов иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

М. С. ГОРБАЧЕВ Э. ХОНЕККЕР БИЛАН УЧРАШДИ

3 октябр кун М. С. Горбачев билан Э. Хонеккернинг учрашуви бўлди. Учрашув вақтида КПСС билан ГВСП ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

КПСС XXVII съездининг ва ГВСП XI съездининг қарорлари билан ГДР ўртасидаги муносабатларнинг бутун комплексига самарали таъсир ўтказиётганлигини иккала томон мамнуний билан қайд этди.

КПСС делегациясининг 1986 йил апрелда ГВСП XI съездида бўлган вақтида эришилган ахдиномаларга мувофиқ кооперациянинг замонавий формаларини кенг фойдаланишга оид тақдирлар кўриб чиқилди. Бирлашмадан ўрнатилган бевоасита алоқаларнинг, қўшма ишчи-ишлаб чиқариш коллективларини барпо этишнинг, кадрлар малакасини ошириш соҳасида биргалик-

да қилинадиган ишларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Сўхбатда маънавий соҳадаги, марксизм-ленинизм назарисини ривожлантиришдаги ҳамкорлигини кенгайтириш, социализм сиёсий системасини, социалистик давлатчилигини ва демократияни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирок этиши соҳасидаги иш тажрибасини баҳам қўриш масалаларини муҳокама қилиш катта ўрин олди.

Учрашув қатнашчилари Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фаё-техника тараққийнинг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс программасини амалга ошириш соҳасидаги ишчи кучайтириш кераклигини, Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгашининг фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини айтдилар.

Учрашув самимийлик ва ҳамжиҳатлик вазиётида ўтди. (ТАСС).

ДАУСТОНА СУХБАТ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Москвада Э. Тельманнинг ҳайкали очилишида қатнашган ГВСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, Германия Коммунистик партиясининг Раиси Г. Мис, ГФР Бундестаг Бирлашган социалистик партиясининг раиси Х. Шмитт билан 3 октябрда учрашди.

Қардош партияларнинг раҳбарлари кўпгина халқро

масалалар, аввало, Европада тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга таллуқли масалалар ҳусусида фикрлашиб олдилар. Учрашув чоғида КПСС, ГВСП, ГФР ва ГФР Бундестаг Бирлашган социалистик партиясининг позициялари бирлиги тасдиқланди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган сўхбатда КПСС Марказий Комитетининг секретари Р. А. Ф. Добринин ва В. А. Медведев қатнашдилар. (ТАСС).

МЕҲМОНЛАР ЖЎНАБ КЕТИШДИ

ГВСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер 3 октябр кун кечкурун Москвадан Ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда Э. Хонеккерни Е. К. Лигачев, В. А. Мед-

ведев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ГФР Бундестаг Бирлашган социалистик партиясининг раиси Х. Шмитт ҳам Москвадан жўнаб кетди. (ТАСС).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориш тўғрисида шу йил 4 октябрда бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошдан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошдан буён.				
Фарғона	3,25	53,44	3,02	30,43
Бухоро	1,92	42,03	0,80	7,41
ҚАСССР	2,64	40,85	2,21	28,35
Хоразм	2,63	40,85	1,86	20,93
Сурхондарё	2,60	32,60	3,63	28,60
Тошкент	4,27	32,45	5,28	32,83
Наманган	3,08	31,34	3,22	19,25
Самарқанд	2,17	22,26	1,65	8,41
Андижон	1,84	21,34	1,30	8,05
Навоий	1,75	20,71	0,85	3,77
Қашқадарё	1,45	20,38	1,18	11,92
Жиззах	2,86	20,28	3,05	20,06
Сирдарё	4,19	20,14	5,40	23,81

Республика бўйича:	2,64	31,09	2,67	19,24
Шу жумладан иккинчи тонали пахта:				
Сурхондарё	4,09	49,72	6,68	47,72
Наманган	2,70	46,88	—	—
Бухоро	1,88	38,54	—	—
Навоий	2,63	38,43	—	0,18
Қашқадарё	1,15	10,36	0,93	4,06
Республика бўйича:	3,03	36,86	4,42	30,78

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ЎРТОҚ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ доклади

Ўртоқлар! Бизнинг пленумимиз партия билан халқ фаолиятининг жуда муҳим ва масъулиятли даврида, совет ямийати турмушидаги тўб бурилиш палласида ўтмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва партия XXVII съезди ишлаб чиққан жадваллаштириш концепциясини марксизм-ленинча тафаккурнинг жуда катта ютуғидир. мамлакат тараққийоти хозирги босқичи объектив талабларининг фойдаланиш

«Партиянинг, совет халқи олдида,— деб таъкидланади янги таъриҳдаги КПСС Программасида,— социалистик жамиятнинг ҳар томонлама такомиллаштириш, унинг имкониятлари ва афзалликларидан коммунизм сари янада олға силжиш мақсади билан янада тўлиқроқ ва самарали фойдаланиш вазифаси қўйилган бўлиб турибди».

Белгиланган режаларнинг ҳаммасини биз турмушда рўйга чиқаришимиз лозим, чуқур гап мамлакатимизнинг қудрати ва раванлиги ҳақида, социализмнинг халқроқ майдондаги позициялари тўғрисида, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда. Бутун совет халқи билан, Ёр юзидида барча халосиятли кишилар билан биргаликда республика меҳнаткашлари КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, СССРнинг уруш хавфини тугатишга, халқроқ хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган тинчлик ташаббусларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Партиянинг новаторлик йўли хозирнинг ўзидеки шу куннинг нипоналариди намоён бўлмоқда. Етилган проблемалар кенг қўлама, ошқора муҳокама қилинмоқда. Совет кишилари ўтмишдаги ютуқлар билан қаноатланиб қолгани, эскичасига ўйлаш ва ишлашни хоҳламаяптилар. Улар социал адолат принципларини ва ахлоқий-ҳуқуқий нормаларини бузиш ҳолларига қарши, меҳнатсиз даромадларга, иқтисодик ва маданий ҳалокатларга қарши чиқмоқдалар. Энг муҳими эса — кенг меҳнаткашлар орасида ишлаб чиқаришнинг интенсивлаш, маҳсулот сифатини ошириш йўллари излашга, хўжалик механизминини қайта қуриш, жаддаллаштиришнинг ички резервларини сафарбар қилиш учун курашга актив қўшилдилар.

Пленумимизнинг вазифаси КПСС XXVII съезди талаблари асосида республика партия ташкилотларининг, барча идеология муассасаларининг сиёсий-тарбиявий иш услуби ва методларини тўбдан қайта қуришга оид тадбирлар комплексини аниқлаш, ахлоқий тарбиянинг, меҳнат тарбиясини йўлга қўйишга нисбатан янги ченаларни ишлаб чиқиш, унинг ташкилий фаолиятини билан ўзвий бирлигига эришишимиз, партиянинг бунёдкорлик режаларини амалга оширишга қодир бўлган ҳар томонлама баркамол, ижтимоий актив шахсини вояга етказиш соҳасида сойбаткадамлик билан иш олиб боришимиз керак.

Бу проблемаларнинг ҳал этилиши бизнинг республикамиз учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маълумки, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ва айниқса КПССнинг XXVII съездида экономикага раҳбарликдаги бузилишлар, оммавий қўшиб ёзишлар, порахўрлик, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ленинча принципларига хилоф ишлар йўналишида, сиёсий-тарбиявий ишдаги катта нўқсонлар билан бевоасита боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу яросиз ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари қўп, илгари биз хўжалик юритишдаги социалистик нормаларга ҳамда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ленинча принципларига хилоф ишлар билан боғлиқ бўлган шундай сабабларни батафсил кўриб чиққан эдик. Бугун ўтмишдан сабоқ олиб, партиянинг хозирги талаблари асосида бутун ғойий сиёсий фаолиятини қайта қуриш ва такомиллаштириш соҳасидаги ишнинг йўллари ва йўналишларини белгиллаб олиш учун республикада кенг йўлнинг келган салбий ҳодисалар идеология сабабларини таҳлил этиш зарурати етилди.

Хўш, бунинг асосий сабаблари ниямлардан иборат? Биринчидан, кейинги йилларда йил мобайнида республикадаги ижтимоий-филаретик, адабиёт ва санъатда, маънавий турмушнинг бошқа соҳаларида тарихий ўтмишнинг идеаллаштириш, баъзи тарихий воқеалар ва шахсларга баҳо беришда синфий позициялардан чекланиш тобора кенг қўлоқ етди. Бу ҳол, бир томондан, оммавий миллий ифтихор предмети ҳусусидаги қарашларнинг йўлдан озидири, интернационал тарбияни ишга сезиларли зиян етказди, иккинчи томондан эса, чўнгатган партия биле тўбдан янги чиққан «корчадонлар ва бойваччалар» шаънига ҳамду сано ўқиш учун идеология платформани яратди, кўпгина кадрлар орасида ғойий бекарорлигини келтириб чиқарди.

В. И. Ленин таълим берганидек, ташкилий — хўжалик проблемаларини конкрет ҳал этиш ўрнига «ташвиқотчилик ҳайқирчилари» билан шугулланиб қуришга мурасасиз қарши бўлишмиш, иқтисодий қурилишда агитация ва пропаганда жуда катта роль ўйнаши ва унинг роли тобора кучайиб боришини ҳаммиша, эса дунёимизни керак. (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 458-бет).

Одамларнинг ғайрат-шижоати ва иқтимоий-сиёсий активлиги, уларнинг хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишга иштирокчиллиги, уларнинг қийин

чиликларни бартараф этишда, белгиланган план ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришдаги ушқоқлиги ва иттизомий идеология иш ҳолатини халосиз қўрқатадиган нозик белги ва шу ҳолатнинг жамулжам ифодасидир.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан ва партиянинг XXVII съезидан кейин партия ҳамда мамлакатдаги бутун ғойий-маънавий муҳит бизнинг қўл учиди, ёмон ишларимизга йўл қўймайди, ишга янгила ёндашишга, ўсишнинг қўшма резервларини қидириб топишга, ишлаб чиқаришнинг техникавий жиҳатдан янгилаш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун қатъий билан курашишга ундайди.

Кейинги йилларда бу соҳада республикада авж олдириб юборилган кураш баъзи иккинчи натижаларни бермоқда. Бу натижалар аввало бир қанча меҳнат коллективлари вазиятини тўбдан ўзгартиришга, қўлоқлар — сифатдан чиқиб, белгиланган топириқларнинг муттасил бажарилишини таъминлашга муваффақ бўлганликларидан қўшниб турибди. Бу йил 900 танда кўпроқ корхонанинг коллективни кўл йиллар мобайнида биринчи марта план бўйича бажарилишини таъминлади. Ишчилар орасида меҳнат иштирокчиллиги бирон марта ҳам бузилишга йўл қўйилмаётган. Учқўрон ёғ экстракция заводи, Қўмакбель комбинати, Бекобод нон заводи сингари меҳнат коллективлари республикада тобора кўпайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кўрсаткичларида хозирча катта силжиш йўқ бўлса ҳам, аммо республикада чорвачилик фермаларини реконструкция қилиш тезроқ суръатлар билан олиб борилаётганлигини, озуқа чехлари, пичан омборлари, қурилатганлигини айтиб ўтмоқ керак. Бу йил анча кўп терим техникаси далага чиқарилиди.

Кеча биз 9 ойлик иш якуналари тўғрисида Марказий статистика бошқармасининг маълумотларини олдик. Унда бизнинг идеология соҳасидаги қиёфамиз, таъбир жон бўлса, маънавий қиёфамиз яққол акс этиб турибди. Ёмон студентга қиёфамиз бир кун етишмайди, деган мақолага ўхшаб, республика давлатга 2,8 минг тонна сутни кам берди. Баъзи районларда пахта терими унчалик авж олдирилган эмас — натижалар ҳаддан таъқир бир-биридан фарқ қилмоқда ва ҳозирги мураккаб вазиятда қатъий қўрсатилмапти.

Хуллас, ўртоқлар, ишмизнинг кўпгина натижалари ҳали республикада сиёсий-тарбиявий ишга ҳамон дуруст эътибор бермаётган, бўшагиллик, иттизомсизликка тоқат қилаётган, мураккабликлар ва қийинчиликларни дидил енгмаётган бир талай партия комитетлари, министрлик ва идоралар борлигидан дарак бериб турибди.

Республика йил бошидан буён шартномаларга мувофиқ етказиб бериш лозим бўлган маҳсулотнинг салкам 200 миллион сўмлигини юбормаганлигида ҳам хўжалик, ҳам ташкилий-сиёсий, идеология ишдаги жиддий нуқсонлар айниқса яққол кўришиб турибди. Навоий, Самарқанд, Тошкент областларининг корхоналари маҳсулотнинг кўпгина турларини етказиб бериш топириқларини барбод этдилар. Бу — жуда ташвишли рақамлардир. Чунки маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини бажармаслик — у турдош корхонанинг иштини барбод этиш, меҳнатдош ўртоқларига панд бериш демакдир.

Кейинги вақтларда бизда ишлаб чиқариш ва меҳнат иттизомини мустаҳкамлаш юзасидан бирталай ленинча ўқилди, сўхбатлар ўтказилди ва бошқа тарғиботчи тадбирлар амалга оширилди. Аммо хўжасизлик, унумсиз ҳаракатлар, иш вақтининг зоё ўтиши республика экономикасида ҳали ҳам жуда катта зарар етказмоқда. Йилнинг ўтган ярмида санаотда юз минглаб одам — кун зоё ўтди, 50 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот берилмай қолди. Бинокорлик материалларини сановат министрлигининг (министр Г. Г. Исоев, партия ташкилоты секретари Р. И. Грунау) корхоналарида меҳнат иттизомини айниқса ёмон аҳолади.

Қўшиб ёзишлар, давлатдан кўпроқ олиб, унга камроқ бериш истаги, иш сифатининг пастлиги, план топириқларига тўзатишлар киритилиши ҳали ҳам давом этиб келмаётганлигини алоҳидалик ва меҳнатга ижтимоий қараш билан қовуштириб бўладими, ахир? Ҳар бир мана шундай фактга жуда қаттиқ ва ошқора партиявий баҳо берилиши керак, бошланғич партия ташкилотларининг бутун кучини эса бундай ҳолатларга мутлақо йўл қўйилмайдиган мутлақ ўзаро талабчанлик вазиятини яратишга қаратилиш зарур.

(Давоми иккинчи бетда).

ртия комитети майда-
ишларга васийлик
ай ва тиркоқ ичидан кир
май ўз матбуоти ор-
га ёрдам бериши ва
аб-қувватлаши лозим.
истъ партия комитети.
«Сирдарьинская прав-
газетасининг ишларига
шмаслик позицияси

(Давоми учинчи бетда).

